



билан кўришганда, идораларда навбат кутганда, бемор кўргани борганда, деҳқончиликда ва ҳоказо ўринларда ҳам кўриниши керак.

Шундай қилиб, инсонлар Аллоҳ таолонинг ер юзидаги гувоҳларидир. Ҳар бир инсон бу дунёда қилган амалининг ҳосилини охирабда йиғиб-териб олади.

**Бахтиёр бўлишингиз, муваффақиятга эришишингиз, юксалишингиз, нажот топишингиз учун сизга қуйидаги тўрт насиҳатни айтаман:**

1. *Намозга эътиборли бўлинг!*

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

نُبِّهْ دِي تَانَسَخْ لَانِ لِيْلِيْلَانِ مَافَلُزُو رَاهَن لِي يَفَرَطَ ءَالِصَلَا مَقْأُو  
نِي رِكْ اَذَل لِي رِكْ ذَكَرْتِ اَيِّي سَلَا

“Кундузнинг икки тарафида ва кечанинг бир бўлагида намозни тўқис адо қил! Албатта, яхшиликлар ёмонликларни кетказади. Бу эса, эсловчиларга эслатмадир”. (Уламоларимиз ояти каримадаги “Кундузнинг икки тарафида” адо қилинадиган намоз бомдод, пешин ва аср намозлари, “кечанинг бир бўлагида” адо этиладиган намоз шом ва хуфтон намозлари, дейишган. Мўмин киши томонидан қилинган ҳар бир яхши иш ёмонликларни кетказади. Намоз ўша яхшиликларнинг гултожидир. Ушбу оятда оғир ва аҳамиятли ишларни қилишда, Аллоҳнинг амрига бўйсунушда, кўрсатган йўли ва йўллаган динида мустақийм туришдек масъулиятли ишда намоз ва яхшилик қилиш ила олдинга йўл очишга ундаш бор.) (Худ сураси, 114-оят)

2. *Қуръонни тиловат қилинг!*

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

قَلَخْ يَدِّي لِكُتُبِ رَمْسَابِ اَرْقَا

“Яратган Роббинг номи билан ўқи” (Алақ сураси, 1-оят)

3. *Тасбеҳ айтинг!*

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

**أَبَاؤَنَا كُفُّوا رِزْمَ حَبِّ حَبَسَفَ**

**“Бас, Роббингни поклаб ёд эт ва Унга истиғфор айт. Албатта, У тавбаларни кўплаб қабул этувчидир”** (Наср сураси, 3-ояти)

4. *Гўзал муомалали бўлинг!*

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

**أَنْ سُرِحَ سَأْنُ لِّأُولِ وُقُو**

**“Одамларга яхши гаплар айтинг”** (Бақара сураси, 83-оят)

**Доктор Оиз Қарний саҳифаларидан  
Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади**